SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 8-iyul • Shanba • 77 (27.569) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби этиб тайинлаш тўғрисида

**Алишер Аббосович Азизхўжаев** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 7 июль*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### А.А.Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири лавозимидан озод этиш тўғрисида

**Алишер Аббосович Азизхўжаев** бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2006 йил 7 июль*

# ЎЗБЕКИСТОН — АЗИЗ-АВЛИЁЛАР ЮРТИ

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари бевосита Президентимиз бошчилигида тарихий-маданий ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ҳамда уларни асл ҳолига қайтариш бўйича жуда катта кўламдаги ишлар бажарилди. Айни пайтда мазкур эзгу амалларнинг давоми сифатида IX асрда яшаб ўтган бутун мусулмон оламида машҳур буюк донишманд ва мутафаккир Ал Ҳаким ат-Термизий мақбарасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бунинг учун Таъмиршунослик илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти томонидан лойиҳа ишлаб чиқилиб, «Фаёзтепа-Термиз» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари уни амалга оширишга киришдилар. Ҳозирда обида атрофидаги тупроқ қатламлари қазиб олинмоқда. Шунингдек, мақбара емирилишига таъсир қилаётган ер ости суви йўналиши ўзгартирилмоқда.

Бундан ташқари, мақбара атрофида Термиз давлат университети тарих ва ижтимоий-гуманитар фанлар факультетининг бир гуруҳ олим ҳамда талабалари томонидан археологик изланишлар олиб борилмоқда.

Мақбарада бошланган таъмирлаш ишлари мустақиллигимизнинг ўн беш йиллик байрами арафасида якунланади.





**Суратларда:** археолог Тўхташ Аннаев, лойиҳалаш институти бош меъмори Мақсуда Мўминохунова, маданий меросни муҳофаза қилиш инспектори Пардаҳол Жўраева, таъмирлаш ишларини олиб бораётган жамият раҳбари Шуҳрат Ҳамидбоев ва лойиҳалаш институти бўлим бошлиғи Абдужаббор Яҳёев; мақбарада археологик қазилма ишлари олиб борилмоқда.

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар**




# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарган анжуманда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлардаги фаоллигини янада оширишга қаратилган ишлар кўлами ва самарадорлиги сезиларли даражада юксалгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан жойларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга доир ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан жорий этилмоқда. Чунончи, ҳисобот даврида салкам 65 минг аёл иш билан таъминланди. Бунда кичик бизнес ва касаначиликка алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун маблағлар беришни янада кенгайтиришга қаратилган. Шу муносабат билан Хотин-қизлар қўмитасининг жойлардаги ташкилотлари тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган хотин-қизларга Фармон моҳиятини тушунтириш, кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда уларга яқиндан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2006 йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида тижорат банклари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун икки миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33 фоиз кўпдир.

Пленумда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ижросини таъминлаш мақсадида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни оилага тайёрлаш масаласига эътибор янада кучайгани таъкидланди. Бу борада маҳаллаларда, олий ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда ва меҳнат жамоаларида «Спорт — саломатлик гарови», «Соғлом қиз — соғлом она», «Боланинг бегонаси бўлмайди», «ОИТСсиз келажак сари» каби долзарб мавзуларга бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Анжуманда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

***Жасур КЕНГБОЕВ,***
***ЎзА мухбири***

# ҚОРОВУЛБОЗОР ЭНДИ ЧЎЛ ЭМАС...

## ОБОД ВА ГЎЗАЛ ШАҲАР, МЎЛ-КЎЛ БОЙЛИКЛАР МАКОНИ

Қоровулбозор — Бухоро вилоятининг энг кенжа туманларидан бири. Буни қоровулбозорликлар истиқлол берган имконият туфайли вужудга келган ижтимоий ҳодиса сифатида қадрлайдилар. 1993 йилда унинг туман деб эълон қилиниши айримларни таажжублантирди ҳам. Сабаби, туман ҳудудида шўро даврида ташкил этилган тўртта давлат хўжалиги қўрғонидан бошқа иншоот йўқ эди. Бу ерда қишлоқ хўжалик ишлари авж олган кезлардагина одамлар бўлишар, қолган пайтларда яна ўз қишлоқларига кетиб қолишарди. Нефтчилар шаҳарчаси деб ном олган манзилда ҳам дам олиш кунлари ишчи-хизматчилар уй-уйларига жўнаб кетишар, ҳаёт гўё тингандек жимиб қоларди.

— Қоровулбозорни энди чўл деганлар адашади, — **дейди туман ҳокими Илҳомжон Муродов.** — Умримнинг каттагина қисми шу ерда ўтди. Юз бераётган барча ўзгаришларга ўзим гувоҳ. Илгари жўшқин ҳаётдан ажралиб қолган оролчадек туюлган туманимизда шахсан Президентимиз эътибори туфайли кўплаб саноат корхоналари бунёд этилди...

Дарвоқе, сўнгги йилларда туман турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари пайкаллари ва катта қурилишлар майдонига айланди. Бир томонда — мўл-кўл ғалла, пахта, полиз етиштирилаётган бўлса, иккинчи томонда — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошлаб юборилди. Унинг улкан иншоотлари билан давлатимиз раҳбари доим қизиқиб турди. Ўрта Осиёда ягона бўлган мазкур заводга туташ кенгликлар ўрнида замонавий шаҳарча бунёд этилди. Мукаммал инфратузилмалар вужудга келди. Корхона атиги уч йилда қад ростлади.

— Шунча йил яшаб, — **дейди саксон ёшли отахон Хўжамурод Қурбонов,** — Қоровулбозорда шундай завод қурилади деб ҳеч ўйламаганман... Илоҳо, бу яхши ишлар бошида турганлар омон бўлсин!

Бугун шаҳарчадаги мактаб, боғча, Ёшлар маркази, маданият саройи, савдо шохобчалари, спорт мажмуалари ва саноат касб-ҳунар коллежи киши диққатини тортади.

— Коллежимизда нефть-газ маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика, автомобиль транспорти ва бошқа шунга ўхшаш 8 та йўналишда касб ўргатилади, — **дейди коллеж директори Мавлонжон Авезов.** — Ҳозир 300 нафарга яқин талаба мазкур соҳалар бўйича диплом олишди...

Тумандаги 7 та умумтаълим мактаби ўқувчиларини шаҳарчанинг Ёшлар марказида ҳар куни учратиш мумкин. Улар бу ерда (500 нафардан зиёд ўқувчи) 39 гуруҳга бўлиниб, 14 та тўгаракда касб-ҳунар ўрганишмоқда. Яқинда шаҳарчада яна бир иншоот фойдаланишга топширилди: 6 гектар майдонни эгаллаган бу дам олиш масканида катталиги 3 гектар чўмилиш ҳавзаси ҳам бор. Унда энди қоровулбозорликлар қайиқда ҳам сайр этадиган бўлишди.

Яқин-яқинларгача борйўғи 2-3 минг тоннагина пахта ва дон етиштирилган туманда бу йил 10 минг тонна «оқ олтин» хирмони бунёд этиш тадориги кўрилмоқда. Ғалладан-ку 30 минг тонналик хирмон уюб қўйилди. Яйловларда минг-минглаб қўй-қўзилар боқилмоқда...

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** Ёшлар маркази; Қоровулбозор саноат касб-ҳунар коллежи.



**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**



• **Шахс ва эътиқод**

# ЭЪТИҚОДИНГИЗ МУСТАҲКАММИ, ПАРТИЯДОШ?

Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш халқимиздан сиёсий, иқтисодий-ижтимоий фаолликни талаб этади. Миллий мустақиллигимиз мустаҳкамлангани сари амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ҳам тобора кенгайиб бораяпти.

Ислоҳотларнинг бугунги жараёнида миллат тарбияси деган улуғвор вазифа турибдики, бу вазифа шахс тарбиясидан бошланиши шубҳасиз. Кучли жамиятни барпо этиш, жамият ва шахс бирдамлигини таъминлаш сиёсий кучлар — партиялар зиммасидаги вазифалардан биридир. ЎзХДП ўз сиёсий мафкурасини шахс тарбияси масаласига қаратаётгани мазмун-моҳиятида ҳам шу ётади. Ғоявий курашлар майдони муттасил кенгайиб бораётган, баъзи вайронкор кучлар жон талвасасида бунёдкорликка таҳдид қилмоқчи бўлаётган бир шароитда ёш, мустақил давлатимизнинг ўз танлаган тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлайвериши ғурурли, ориятли, имон-эътиқоди мустаҳкам, комил инсонлар фаолиятига боғлиқ.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан мамлакатимиз ўз сиёсий майдонида кўппартиявийликни жорий этаркан, халқнинг бунёдкор ғоялар атрофида бирлашишига кенг имкониятлар яратилди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаёқ ҳар қайси партия халқнинг маълум бир қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, дея таъкидлаган эдилар.

Ўзига хос дастурий йўналишини аниқ белгилаб олган, асосий электорати аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан иборат бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу стратегик жараённи ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ХДП батамом янгиланган Дастури асосида яқин беш йил ичида ҳокимият партиясига айланишдек улуғвор вазифани зиммасига олди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

# ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ — МУҲИМ ИНСТИТУТ

**«Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шундай парламент халқнинг хоҳиш иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади.**

**...Бизнинг олдимизда турган яна бир масала — қабул қилинган қонунларимиз ижросини таъминлашдан иборат. Маълумки, қонун ижросини Ҳукумат амалга оширади. Унинг асосий вазифаси қонунларни сўзсиз ижро этишдир. Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат қуришимиз мумкин. Сиз, муҳтарам депутатлар, қонунларни қабул қилар экансиз, уларнинг ижроси билан ҳам қизиқишингиз, керак бўлса, тегишли мутасадди раҳбарлардан, биринчи навбатда, ижро ҳокимиятидан шуни талаб қилишингиз лозим...»**

***(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқидан, 2005 йил 27 январь)***

*Бугунги кунда парламент қонун чиқариш функциясидан ташқари яна бир муҳим вазифа — назорат фаолиятини ҳам амалга ошириши лозимлигини ҳаётнинг ўзи тобора чуқурроқ исботламоқда. Парламент турли ижтимоий ва ҳудудий манфаатларни ифодаловчи, қатор давлат органларини шакллантириши, бюджетни тасдиқлаши, конституциявий ҳокимият органлари тизимида муҳим ўрин тутиши туфайли назорат қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаслиги мумкин эмас, деган фикр қатъий қарор топмоқда. Албатта, парламент халқнинг вакиллик органи бўлганлиги боис давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари устидан, айниқса, ўзи сайлайдиган, таъсис этадиган ва тайинлайдиган идоралар ҳамда мансабдор шахслар фаолияти устидан муайян назоратни амалга ошириши зарур. Бу борада эса «парламент сўрови» муҳим аҳамиятга эга.*

*Маълумки, «парламент сўрови» институтининг ҳуқуқий асослари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»-ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»-ги Конституциявий қонунлар ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган.*

*Аммо **парламентнинг давлат идоралари тизимида назоратни амалга ошириш функцияси** сиёсий ва ҳуқуқий томондан кам тадқиқ этилган мавзулардан ҳисобланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан уюштирилган семинар **«Қонунчилик палатаси ва унинг депутатлари томонидан парламент сўрови ҳуқуқини амалга ошириш масалалари»**га бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, бир қатор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этган мазкур семинарда парламент сўрови моҳияти, унинг самарадорлигини ошириш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон ИСМОИЛОВ:**

— Парламент сўрови дунёдаги парламентлар амалиётида кенг тарқалган назорат шакли бўлиб, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда ишлаш механизмини кучайтириш ўта долзарб масалалардан биридир. Шу ўринда парламент назоратини амалга оширишнинг самарали усулларидан бири бу «парламент сўрови» институтидир.

Икки палатали парламентнинг ҳуқуқий асослари яратилаётганда парламент аъзоларининг ҳуқуқий мақомини аниқлашда, парламент назорати институтига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда, биринчи навбатда, ўтган даврда бу соҳада тўпланган миллий тажрибаларимиз билан бирга чет мамлакатлар парламентларининг тажрибалари ҳам эътиборга олинган.

Янги шаклланган Ўзбекистон парламентининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи амалдаги қонунларда муқаддам мавжуд бўлган «Депутат сўрови» институтига барҳам берилиб, унинг ўрнига янада самарали бўлган янги институт — «Парламент сўрови» институти жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Илгарилари «депутат сўрови» фақат Олий Мажлис сессияларида берилиши мумкин эди. Ҳозир эса «парламент сўрови»нинг имкониятлари янада кенгайтирилди ва депутатлар истаган вақтида бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин. Демак, парламент сўрови институтининг афзаллиги шундаки, Қонунчилик палатаси ва унинг депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли. Парламент сўровига жавобни тегишли мансабдор шахслар Қонунчилик палатаси мажлисларида беради.

Лекин шуни ҳам очиқ айтиш керак, «парламент сўрови» институтидан амалда самарали фойдаланилмаяпти. Чунки, «парламент сўрови» институтининг ҳуқуқий асослари амалдаги қонунларда расман белгиланган бўлишига қарамасдан уни амалиётга татбиқ этиш механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Масалан, депутатларимизнинг кўпчилиги ўзлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахсларга юборган мурожаатларини кўп ҳолларда «парламент сўрови» деб билишмоқда. Аслида, депутатнинг у ёки бу масала юзасидан бирон бир давлат бошқарув органи ва унинг мансабдор шахсига юборган хати ёки мурожаати ҳар доим ҳам парламент сўрови бўлавермайди.

Назаримда, «парламент сўрови»га жавобни давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатасининг йиғилишида беришларини ҳисобга оладиган бўлсак, Қонунчилик палатаси депутатларининг «парламент сўрови», шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан юбориладиган бундай сўров, албатта, палата йиғилишида олдиндан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунларга кўра, «парламент сўрови»га ўн кунлик муддатда Қонунчилик палатаси йиғилишида жавоб берилиши лозим. Агар бу муддатда жавоб берилиши имкони бўлмаган тақдирда нима қилиниши лозимлиги, «парламент сўрови»га жавоб бериш қандай ҳолларда рад этилиши мумкинлигига оид қоидаларни ҳам мустаҳкамлаш керак.

Юқоридагилардан хулоса қилинганда, Қонунчилик палатаси Регламентида «парламент сўрови» билан боғлиқ нормаларни янада кенгроқ очиб бериш вақти етиб келганга ўхшайди. Агарда «парламент сўрови» институтидан амалда кенгроқ фойдаланиш тартиб-тамойилларини тегишли қонунларда очиб берсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг ўринбосари, юридик фанлари доктори Шухрат ФАЙЗИЕВ:**

— Парламент назоратининг аҳамияти шундаки, у қабул қилинган қонунларнинг самарадорлик даражасини таҳлил этиш, қонун ҳужжатларининг амалиётда қўлланишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларига зарур қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг қонунларга сўзсиз амал қилиш масъулиятини ошириш, қолаверса, фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш имкониятларини беради.

Шу билан бир қаторда, парламент назорати давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанат сақлаш» тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Парламент сўровидан кўзланган асосий мақсад — давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини, уларнинг амалда самарали татбиқ этилишини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг фаолият самарадорлиги ва масъулиятини ошириш, ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан уларнинг асослантирилган тушунтиришлари ёки нуқтаи назарини олишдан иборат.

Парламент сўрови институтининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ўтказишни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, парламент сўровини йўллаш ва унга жавоб бериш тартиб-тамойиллари бўйича парламент палаталарининг услубий тавсияларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда тегишли ҳужжатларнинг намуналари ҳам ишлаб чиқилса, айни муддао бўлади.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманноб РАҲИМОВ:**

— Парламент назорати институтининг муҳим шакли, яъни «Парламент сўрови» хусусида сўз юритилганда кўз олдимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенати аъзосининг сўрови эмас, балки Ўзбекистон Конституциясининг 32-моддасида қатъий белгилаб қўйилган, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш...»ини «фуқаролар сўрови» сифатида қабул қилиш ўринли бўлади. Қолаверса, парламент назоратининг асл моҳияти унинг халқ номидан ва халқдан олинган ваколатлар асосида амалга оширилишидадир.

Шу ўринда, Ж.Руссо томонидан парламент назорати институтига «парламент миллат ва халқ иродасини акс эттирувчи идора бўлганлиги учун ҳам халқ номидан назорат-текширув функциясини бажаради» деб таъриф берилиши, парламент назорати институти ва парламент сўрови шакли бу шунчаки озчиликнинг хоҳиш истаги эмас, балки кўпчиликнинг талаби эканлиги ва халқнинг давлат бошқаруви иштирокидаги демократик кўринишларидан биридир.

Биз юқорида парламент назорати институтининг самарали фаолиятида «парламент сўрови» институти муҳим роль ўйнашини гапириб ўтдик.

Лекин шу пайтгача Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «парламент сўрови» амалда деярли қўлланилмаган. Шу ўринда давлат бошқарув органлари ва унинг мансабдор шахсларига парламент сўрови юборишга молик бўлган масалалар йўқми деган ҳақли савол туғилиши ҳам табиий. Ё бўлмаса, бу институтнинг ҳуқуқий асослари амалдаги қонунларда ўз ечимини топмаганми? Албатта, топган, бироқ уни амалга ошириш механизми, тартиб-тамойиллари етарли даражада ўзининг ҳуқуқий ечимини топмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг ажралмас қисми бўлган парламент назоратининг муҳим шакли «парламент сўрови»ни амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи зарур тартиб-тамойилларни, Қонунчилик палатаси Регламентининг парламент сўрови билан боғлиқ моддаларини янада такомиллаштириш орқали ҳал этса бўлади, деган фикрдамиз.

**Тошкент давлат юридик институтининг доценти, юридик фанлари доктори Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ:**

— Парламент фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланган назорат ваколатларини амалга ошириш шакллари ва услублари ҳам жуда хилма-хил. Турли мамлакатларда мазкур шакллар ва тартиб-қоидалардан бошқарув шакли, парламент конституциявий мақомининг хусусиятлари, анъаналар ҳамда бошқа омиллардан келиб чиқиб фойдаланилади. Парламент назорати парламент (унинг палаталари), қўмиталар ва комиссиялар, қонун чиқарувчи идораларнинг бошқа органлари ҳамда депутатлар томонидан амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси тўғрисидаги конституциявий қонунга мувофиқ фракциялар ва депутатлар гуруҳлари ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолиятига оид масалалар юзасидан палата мажлисларида тинглаш масаласини қўйишга ҳақли. Шу билан бирга, парламент назоратини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўзи тўплаган тажриба ва чет эл тажрибасидан келиб чиқиб Олий Мажлис палаталари депутатлари (сенаторлари)нинг мақоми тўғрисидаги Қонунда янада муфассалроқ тартибга солиш лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (янги таҳрирдаги) қонунининг 9-моддасида парламент сўровига жавоб тўғрисида сўз юритилади. Парламент сўрови деганда қонунда парламент палатаси, палата депутати (аъзоси)нинг ҳукумат ёки унга бўйсунувчи давлат ёки хўжалик бошқарув органлари фаолиятига доир сўрови тушинилади. Фикримизча, тегишли қоидалар палаталарнинг регламентларида янада батафсил ва кенгроқ ривожлантирилиши керак. Зотан, мазкур регламентларда парламент палаталарини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ барча масалалар тўлиқ ва тизимли тартибга солиниши лозим.

...Билдирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, депутат сўрови билан парламент сўрови моҳияти, мақсади, қамрови ва таъсири жиҳатидан мутлақо фарқланади. Айни чоғда «парламент сўрови»дан кенгроқ ва таъсирчанроқ фойдаланиш механизмлари, тартиблари устида ўйлаб кўриш зарур деган фикрни тобора кўпчилик қўллаб-қувватламоқда. Парламент сўрови ўта муҳим институт эканини ҳисобга олган ҳолда ушбу масала бўйича бошқа депутатларимиз, ҳуқуқшунос ва сиёсатшуносларимиз ҳам ўз таклифларини билдиришса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Сафар ОСТОНОВ**

● **Шахс ва эътиқод**

# ЭЪТИҚОДИНГИЗ МУСТАҲКАММИ, ПАРТИЯДОШ?

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Беш ой давом этиб, яқиндагина якунланган партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш эса сафларни тозалаш, янада жипслаштиришга хизмат қилади.

Наманган вилоятида шу йил биринчи январь ҳолатига кўра, жами ХДП аъзолари сони 60000 нафарни ташкил этган бўлса, қайта рўйхатдан ўтказилгач бу кўрсаткич 34 500 нафарни ташкил этмоқда. Лекин партия аъзолари сони эътиқодли кишилар, ёшлар ҳисобига ортиб бориши кутилмоқда. Аммо кеча ва бугунги айрим воқеа-ҳодисалар жараёнларида партияга нисбатан енгил-елпи қаровчи, эътиқоди мўрт ва заифларнинг хатти-ҳаракатлари кўзга ташланмоқда.

Яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган депутат ўрнига Учқўрғон туманидаги 47-Қўғай сайлов округида қайта сайлов бўлиб ўтди. Дастлаб депутатликка номзод танлашда бошқа бир партия вилоят кенгаши ҳали ХДП аъзолигидан чиқмаган кишини шошма-шошарлик билан номзод сифатида кўрсатди. Натижада вилоят сайлов комиссиясининг қарори билан унинг номзоди сайлов бюллетенидан чиқариб ташланди. Иккинчи марта қайта сайловга яна бошқа бир партия вилоят кенгаши ҳам худди шундай йўл тутди. ЎзХДП аъзоси бўла туриб, ҳатто яқинда қайта рўйхатдан ўтган бир партиядошимиз депутатлик ваколатига эришиш илинжида бошқа партияга аъзо бўлиб кирди. Собиқ партиядошимизнинг «нима бўлса ҳам депутат бўлсам бўлди» қабилидаги субутсизлиги, эътиқодининг мўртлигига ачинасан киши.

Масаланинг энг ачинарли жиҳатларидан яна бири шундаки, бундай ноқонуний ишлар «юқоридан топшириқ шундай» деган гаплар билан хаспўшланади. Савол туғилади: ўша юқоридан топшириқ бераётган ким, исм-шарифи борми? Бу ахир сиёсий партияларга беписандлик эмасми? Атрофдагилар, участка сайлов комиссияси аъзолари сайловга нисбатан бундай тўрачилик муносабатидан кейин қандай мулоҳазаларга борадилару, қандай хулоса чиқарадилар? Қонунга, халқнинг хоҳиш-иродасига қарши иш тутишга топшириқ бера олиш ваколати бировга берилиши мумкинми? Ахир шунинг натижасида аҳоли кенг қатламлари орасида «Сиёсатга аралашиб бўлмайди, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам юқорининг айтгани бўлади» деган тушунча шаклланиб қолмаяптими? Сайлов жараёнидаги «очиқ ўйин» ижтимоий онг ўзгаришларига салбий таъсир қилмайдими? Аҳолининг сиёсий жараёнларга фаол қатнашишга бўлган интилишларини сусайтирмайдими?

Қонун устуворлигини таъминлаш қайси партияга аъзо бўлишимиздан қатъи назар, ҳар бирimizнинг шахс, фуқаро сифатидаги бурчимиз, виждон ишимиз ҳисобланади.

Зотан, қайси партияда бўлсак ҳам бош мақсадимиз бир — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини таъминлаш, барқарор тинчлик, фуқароларга эркин, ижодий ишлаш ва яшаш шароитларини яратиш.. Партиявийлик жиҳатидан эса фақат йўналишларимиз, дастурий интилишларимиз, йўлларимизда фарқлар бор, холос.

Чинакам демократия учун кўппартиявийлик қанча зарур бўлса, сиёсий рақобатда ҳалоллик ҳам шунчалик шарт. Эътиқоднинг мўртлиги ориятнинг сустлиги, ғурурнинг заифлиги ғомачиликнинг авж олишига олиб келмайдими?

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● **ЎзХДП фаоллари**

# «ТАХИАТОШ — ГУНЕШ»

## якка хусусий касаначилик корхонаси уй бекалари учун янги иш маскани бўлди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тахиатош шаҳар кенгаши қошидаги жамоатчилик қабулхонаси шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Ташриф буюрувчиларнинг кўпчилиги иш сўраб келган ёшлар ва уй бекалари. Кенгаш раиси Дадабой Дурдиев ҳар бирининг уй шароити, турмуш тарзи ва ихтисослиги ҳақидаги маълумотларни диққат билан ўрганиб, сўнгра шаҳар ҳокимлиги ва тегишли идора ҳамда муассасалар раҳбарлари олдига таклифлар билан чиқмоқда.

Унинг навбатдаги «чиқиши»ни ҳам ҳокимлик қўллаб-қувватлади ва илгари фойдаланилмай ётган бинони имтиёзли кредит ҳисобига таъмирлашга, сўнгра у ерда гиламчилик ҳамда тикувчиликка ихтисослашган якка хусусий касаначилик корхонаси очишга келишиб олинди... Яқинда «Тахиатош — Гунеш» номи билан иш бошлаган мазкур корхонага ХДП аъзоси Ойсанам Дурдиева раҳбар бўлди.

— Ҳозирча иккита цех ташкил этдик, — дейди Ойсанам. — Бирида — гиламлар тўқилади, бирида — тикувчилик... Дастгоҳлар, тикув машиналари, хомашё ва бошқа турдаги жиҳоз ҳамда ускуналаримизни тўла бутлаб олдик. Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув даргоҳларини тугатиб, вақтинча ишсиз юрган ёшлар ҳамда анчадан буён уйда ўтириб қолган хотин-қизлардан 15 нафарини ХДП шаҳар кенгаши тавсияси билан гиламдўзликка, 10 нафарини тикувчиликка ишга олдик...

Тахиатош — энергетиклар шаҳри эмасми, ишчилар кўп. Боз устига ГРЭС ва «Гидроэнергострой» жамоаларидан ташқари 14-йўл-кўприк қурилиш ташкилоти, «Тахиатошдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти ва бошқа ўнлаб корхоналар ҳам борки, уларда меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси эндиликда иш кийим-кечакларини «Тахиатош — Гунеш» ёнидаги дўкондан олишаяпти.

— Илгари биз тикаётган иш кийимларини улар бошқа шаҳарлардаги тикувчилик корхоналарига буюртма бериб, кейин вақтида ололмай қийналиб юришарди, — гапга қўшилди чевар тикувчилардан бири Баҳорой Воисова. — Энди эса тўғри бизга келишаяпти ва ўзлари хоҳлаган ўлчамда, хоҳлаган андаза ҳамда хоҳлаган русумдаги либосга буюртма беришмоқда. Ишимизнинг унуми ҳам, сифати ҳам мижозлар ва харидорларга маъқул. Иқтисодий самарадорлик яхши. Ойлик маошларимиздан кўнглимиз тўқ...

— Илғор ҳамкасбларингиздан кимларни айтган бўлардингиз? — сўрадик ундан.

— Кўп, — жавоб қилди у. — Ўғилжон Есетова, Гулойда Қулбоева, Жаннат Татикова, Ўғилжон Оразова, Арзигул Воисова...

Қорақалпоғистон Республикаси «Ташаббус — 2006» кўрик-танловида ўз маҳсулотларининг ҳажми, сифати ҳамда юқори иқтисодий кўрсаткичлари билан фахрли ўринга сазовор бўлган корхона жорий йил охиригача янги иш ўринларини яна 15 тага кўпайтириб, чеварлар сонини 40 нафарга етказишни режалаштирди. Бу — мазкур иш масканида яна бир янги цех очилишидан ва шаҳар партия кенгаши ҳамда унинг жамоатчилик қабулхонаси фаолларининг аҳоли бандлиги муаммоларига изчил ечим ахтараётганларидан дарак.

**(Ўз мухбиримиз)**

● **Спорт**

# ЎҚИТУВЧИ-МУРАББИЙЛАР СПАРТАКИАДАСИ



Куни кеча Чирчиқ олимпия захиралари коллежида Тошкент вилояти ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи-ходимларининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, унда 200 нафарга яқин мураббийлардан ташкил топган жамоалар спортнинг волейбол, мини футбол, шашка, шоҳмот, стол тенниси турлари бўйича ўзаро баҳс олиб бордилар.

Спартакиаданинг очилиш маросимида Тошкент вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Ибрагимов, вилоят бадиий гимнастика федерацияси раиси Нафиса Турғунова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, ўтказилаётган спартакиада эса ўқитувчи-мураббийларнинг жисмонан бақувват бўлишларида ва меҳнат фаолиятлари унумлигига кўмак беришини таъкидладилар.

— Спартакиада «Спорт — жамоани бирдамлик ва тотувликка чорлайди» шиори остида ўтказилмоқда, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рустам Бобоқулов. — Мазкур тадбир вилоятимизда илк бор ташкил этилди ва уни кейинги йилларда ҳам давом эттиришга келишиб олдик. Бугунги мусобақада Олмалиқ, Ангрен, Қибрай, Бекобод ва Чирчиқ ҳудудларида ғолиб бўлган жамоалар иштирок этишмоқда.

Спартакиада якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Маъмуржон МАҲМУД**



**Суратларда:** спартакиададан лавҳалар.

● Биз билган ва билмаган тарих

# НАВТАКАМИ, КСЕНИППАМИ ЁКИ НАКШАНИЙА?

**Бу йил Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланади. Аслида бу тарихий шаҳарнинг ёши қандай аниқланди, унинг илгариги номи нима эди, бундан кўпчилик бехабар бўлса керак**

Бундан 50-60 йил илгари бу саволларга ҳатто мутахассис-олимлар ҳам жавоб бера олишмасди. Чунки бу масалаларни фақат қазишма ишларини ўтказгандан кейин ва олинган ашёларни кўплаб ёзма манбалар билан солиштиргандан сўнггина аниқлаш мумкин эди. Масалан, 1888 йили Туркистон генераль-губернаторлигининг махсус топшириғи билан Бухорога кетаётган В.Крестовский Қарши шаҳридан бир тош (тахминан 8 км.) нарида Шуллик деган қишлоқнинг ёнида қадимги шаҳар харобаси ётганлигини, лекин унинг қандай шаҳарлигини билмаганини ёзиб қолдиради.

1895-1910 йилларда рус офицери ва рассоми Б.Литвинов ҳам Шулликтепани бориб кўрганини ёзиб қолдирган. 1910 йили рус географ олимларидан бири Д.Лагофет Қарши шаҳри атрофларида пишиқ ғиштдан қурилган уйларнинг кўплиги ва уларнинг айримлари рангли плиталар билан қоплангани ҳақида маълумотлар қолдирган.

Нима бўлганда ҳам Қарши воҳасида археологик изланишлар бошлангунига қадар шаҳарнинг қадимги тарихи тўғрисида деярли маълумотлар йўқ эди. Қашқадарёда бундай археологик изланишлар олиб бориш фақат Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейингина бошланди. 1946-1949 йиллари С.Кабанов Ерқўрғонда қазишма ишлари олиб бориб, шаҳар харобасининг жануби-шарқий қисмида III-V асрларга оид кулолчилик билан кун кечирган хонадонни топади. Олим шаҳарнинг қуйи қатламларини билишга ҳаракат қилиб, у тахминан милоддан илгариги II-I асрларга оид бўлиши мумкин ҳамда шаҳарнинг ўзини эса Хитой ёзма манбаларида эслатилган Нашебо ёки Нашеболо вилоятининг бош шаҳри Боло бўлиши керак, дейди.

1963-66 йиллари Қарши воҳасидаги энг йирик шаҳар харобасини Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг М.Массон бошчилигидаги Кеш археологик-топографик экспедицияси ўрганди. Ушбу экспедиция изланишларининг натижаси сифатида вужудга келган М.Массоннинг «Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времён» номли китобида Қарши воҳасидаги Ерқўрғон ёдгорлигини Александр Македонский юришлари баён этилган юнон манбаларидаги Навтака шаҳри билан боғлайди. Юнон тарихчиси Арианнинг ёзишича, **«милоддан аввалги 328 йили Македонскийнинг Кен, Кратер, Фратеферн ва Станазор каби лашкарбошилари ўзларининг отрядлари билан Навтакага, Макендонский олдига келишди. Бу пайтда қиш авжида эди. У қўшинларига Навтака атрофларига жойлашиб дам олишга буйруқ берди».**

М.Массон юнон манбаларида келтирилган Навтака айнан Ерқўрғон харобалари эканлигини ёзади. Аммо бу фикрни исботлайдиган манба йўқ эди. Буни фақат археологик қазишмалар олиб бориш билангина тасдиқлаш мумкин эди. Бундай имконият фақат 1973 йилда, ЎзРФА Археология институтининг Р.Сулаймонов бошчилигидаги экспедицияси Қашқадарё воҳасида иш бошлагандан кейингина амалга ошди. Экспедиция ишлари бошлангани билан қадимги қатламлар ёшини аниқлашда асосий манба бўлган сопол идишларнинг ҳам ёшини аниқлаш муаммоси турар эди. Бу иш 70-йилларнинг охирида ҳал бўлди.

Бу даврга келиб Ерқўрғоннинг турли жойларида қазишмалар ўтказилиши натижасида ҳоким саройи ва қалъаси, шаҳар ибодатхонаси, даҳма, кулоллар ва темирчилар маҳаллалари каби шаҳар харобасининг илгари маълум бўлмаган қисмлари очилди. Шундан кейин ҳақиқатан ҳам Ерқўрғон Қарши воҳасидаги энг дастлабки пойтахт шаҳар эканлиги, у юнон манбаларида келтирилган Навтака деган тўхтамга келинди. Нукуслик археолог М.Туребеков Ерқўрғоннинг ички ва ташқи мудофаа деворларини ўрганиб, ички деворни милоддан аввалги VI-V асрларга, ташқи деворни эса милоднинг IV асрларига тегишли эканлигини аниқлади. Р.Сулаймонов эса бу фикрларга қўшилган ҳолда ташқи мудофаа деворининг қурилишини милоддан аввалги II асрлар билан даврлаштирди.

Академик Эдвард Ртвеладзе юнон тарихчилари келтирган Навтака ҳақиқатан Кеш воҳасида бўлган, лекин Ксениппа шаҳри Қарши воҳасидаги Ерқўрғон ўрнида бўлган дейди. Бундай дейишига асосий сабаб, ўша ёзма манбаларда Навтака атрофларида тоғли ҳудудлар борлиги, аксинча Ксениппа ҳудуди кўпроқ чўл билан, яъни чорвадор аҳоли яшайдиган ҳудудлар билан чегарадош эканлиги ҳақидаги маълумотлар эди.

Шу хулосага яқин фикрни К.Шамсиддинов ҳам қўллаб-қувватлаб, ҳозирги Косон номида қадимги Ксениппанинг акс-садоси яшириниб ётади, дейди. Яъни, Косон шаҳри ва унинг атрофлари Ерқўрғондан 10 км. қуйида жойлашганлиги учун унга сув шу томондан борган, шунинг учун Кассаноб (Коссон суви, Ксениппа суви маъносида) Косонга айланиб кетган дейди.

Милоднинг III-V асрларидан бошлаб Хитой манбаларида бутун Қарши воҳаси Нахшаб деб аталиши ва унинг асосий йирик шаҳри Боло бўлиб, унда подшоҳнинг қароргоҳи борлиги тўғрисида маълумот берилади. М.Массон Нахшабнинг маъносини тушунишга ҳаракат қилиб, ўша пайтларда халқ орасида сақланиб қолган бир ривоятга эътибор қаратади. Унга кўра, баҳор ойи кечаларидан бирида чилтонлар Қашқадарёнинг бўйига маслаҳатга тўпланишибди. Уларнинг катталаридан бири барчанинг кайфиятини ифодалаб «нағз шаб», яъни «қандай ажойиб кеча» деган экан. Қолганлар уни суғд тилига мослаб «Нахшаб» деб аташган экан. Суғд тилидаги Нахшабнинг ҳам, форс тилидаги Нағзшабнинг ҳам ўзаги бир бўлиб, «ёруғ», «ёғдули», «ойдин» маъноларини беради дейди. Шунингдек, М.Массон Қарши темир йўл вокзалининг орқасидаги Қалъаи Зохаки Марон айнан шу Нахшаб вилоятининг маркази Боло шаҳрининг харобаси деб айтади.

Нима бўлганда ҳам Ўрта Осиёни араблар истило қилаётган пайтда Қарши воҳаси арабларга қарши курашнинг асосий марказларидан бирига айланди. Бу пайтга келиб Нахшабнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий маркази Қашқадарёнинг бўйига, маҳаллий аҳоли томонидан ҳозирда Шулликтепа деб аталадиган жойга кўчган эди.

Араблар воҳани ўзларининг тилига мослаб Насаф деб аташади. Бу тўғрида кўплаб араб ёзма манбалари хабар беради. Уларда IX-XIII асрларда Насафнинг иқтисоди ва маданияти ривожланганлиги ҳамда Насаф Қашқадарёнинг икки ёқасида жойлашгани қайд этилади.

Шундай гуллаб-яшнаган шаҳар мўғуллар истилоси даврида ер билан яксон қилинди. Ўрта Осиёдаги деярли барча қадимий шаҳарлар Чингизхон истилосидан кейин ўз жойини ўзгартирди. Маҳаллий аҳоли тасаввурида ёвуз қўшин олдида ҳеч қандай мудофаа девори, қалъа дош беролмайди деган ҳис пайдо бўлади. Шундан кейин одамлар бундай қалъа шаҳарларни ташлаб, ҳозирги қишлоқ ва шаҳарларни эгаллашади. Қарши воҳасида ҳам, шунингдек, Самарқандда ҳам эски шаҳарлар бутунлай ташлаб кетилди. Ҳозирги Самарқанд ҳам, Қарши шаҳри ҳам айнан мўғуллар истилосидан кейин янги маконда вужудга келган.



**Суратда:** Ерқўрғоннинг қуйи қатламларидан топилган энг қадимги мудофаа девори.

Энди икки оғиз сўз Қарши шаҳрининг ёши тўғрисида. Юқорида келтирилган олимларнинг изланишлари натижасида шаҳарнинг милоддан аввалги VI-V асрларда қурилганлиги аниқланган эди. Гап шундаки, ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Ерқўрғоннинг кулоллар маҳалласида қазишмалар олиб борганимизда фақат бир-икки ерда милоддан аввалги X-VIII асрларга оид қатламлар борлиги аниқланганди. 1998-99 йили яна қазишмалар ўтказишга имкон туғилди. Шундан кейин 20 йил аввал ўрганилган қазилма бир метр кенгайтирилганда ундан илгари ҳеч ким билмаган, милоддан аввалги VII асрларга оид қалинлиги 3 метр атрофидаги қалъа девори топилди. Бу девор шаҳарнинг асосий мудофаа деворидан ичкарида бўлганлиги сабабли уни дастлабки ички мудофаа девори деб тахмин қилинди ва мана шу топилма Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тарихга эга эканлигини исботлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Қарши шаҳрининг юбилейи муносабати билан Ерқўрғонни ўрганиш учун шаҳар ҳокимлиги томонидан маблағ ажратилди. Олиб борилган қазишмалар натижасида илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган ва ахамонийлар даврида қурилган деб тахмин қилинган мудофаа девори остидан шаҳарнинг энг қадимги ва асосий мудофаа девори топилди. Бу девор пахсаси лентасимон қилиб 3 метр қалинликда кўтарилган ва кейинроқ ичкари томондан қўшимча лой билан мустаҳкамланиб, қалинлиги 7-8 метрга етказилган. Милоддан аввалги VI-V асрларда янги девор қурилганда эскиси унга пойдевор вазифасини ўтайди, яъни янги девор эски, таъмирланган девор устидан кўтарилади. Шундай қилиб, Қарши шаҳрининг қадимги ва ҳақиқий девори шу йил топилди.

Қарши шаҳри ҳақидаги яна бир муҳим маълумотимиз унинг энг қадимги номи тўғрисида. Биз юқорида келтирганимиздек, унинг номи кўп ўзгарган. Бундан бир-икки йил илгари исроиллик Шакет Шаул деган олима қадимги оромий ёзувларида Накшанийа деган ном борлигини аниқлаган. Агарда бу фикр кўпчилик томонидан тан олиниб исботланса, унда Қаршининг номи энг қадимги даврлардан бошлаб Накшанийа — Нахшаб — Насаф шаклида ривожланиб келганлиги маълум бўлади.

**Муҳаммаджон ИСОМИДДИНОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**Муталиб ҲАСАНОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

● Ҳуқуқий саводхонлик

# БАНК ҲИСОБВАРАҒИ ШАРТНОМАСИ

Банк ҳисобварағи шартномаси банкнинг мижозларга хизмат кўрсатишига оид бўлган шартнома ҳисобланади. Бу шартнома ўзининг ҳуқуқий белгилари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришга оид шартномалар гуруҳига мансубдир.

Банк ҳисобварағи шартномасидан асосий мақсад шартномада «мижоз» деб номланувчи субъектларга накд пулсиз операцияларни амалга ошириш хизматини кўрсатишдан иборатдир. Фуқаролик Кодексининг 771-моддасига мувофиқ, банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит муассасаси, иккинчи тараф — мижознинг (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларни бажариш мажбуриятини олади.

Банк ҳисобварағи шартномаси консенсуал ҳисобланади. Демак, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари банк томонидан очилган ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушгандан эмас, балки шартнома тузилган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

Банк ҳисобварағи шартномаси — икки томонлама мажбурият юкловчи шартнома. Чунки у ҳар иккала тарафга ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Банк ҳисобварағи шартномасининг мақсади мижознинг топшириғи бўйича ҳисоб-китоб битимларини амалга оширишдир.

Банк ҳисобварағи шартномасини оммавий деб тан олиш мумкинми, деган саволга баъзи мутахассислар «ҳа, оммавий деб ҳисобласа бўлади», дея жавоб берса, бошқалари «йўқ» дейди. Оралиқ нуқтаи назар ҳам мавжудки, бунда шартноманинг оммавийлиги мижоз фуқаро бўлган ҳолатда кўринади. Уларнинг фикрига кўра, юридик шахс билан тузилган банк ҳисобварағи шартномаси эса оммавий ҳисобланмайди. Банк ҳисобварағи шартномасини оммавий эмас, деб ҳисобловчи муаллифлар фикри назаримизда тўғри. Бундай хулоса учун қуйидаги формал асослар мавжуд. Фуқаролик кодексининг 358-моддасида оммавий шартноманинг икки белгиси кўрсатиб ўтилган. Биринчидан, тижорат ташкилоти тегишли имкониятларга эга бўлган истеъмолчининг талабига кўра, бундай шартномани тузишга мажбурдир. Иккинчидан, товарлар, ишлар ва хизматлар нархи, шунингдек, оммавий шартноманинг бошқа шартлари барча истеъмолчилар учун бир хил тартибда ўрнатилади. Бунда қонун ва бошқа ҳуқуқий актлар томонидан истеъмолчининг алоҳида туркумлари учун имтиёзлар бериш назарда тутилган ҳолатлар истиснодир. Оммавий шартноманинг биринчи белгиси банк ҳисобварағи шартномасининг ҳуқуқий режимида мавжуд, иккинчиси эса йўқ. Шундай қилиб, банк ҳисобварағи шартномасини оммавий шартномалар қаторига киритиш учун асослар мавжуд эмас.

Тадбиркорми ёки корхона, ташкилотми, албатта, банк билан муносабат ўрнатади. Бинобарин, бундай ҳолатда мижозларда ҳисоб варағи шартномаси ҳақида тушунча талаб этилади. Зеро, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик жамиятда ҳар бир киши ҳуқуқий саводхон бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Отабек МУҲАММАДИЕВ,**
**ТДЮИ талабаси**

● «Халқаро донорлик ойлиги» давом этмоқда

# МЕҲР-ШАФҚАТ ҚОНИМИЗДА БОР

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасида мамлакат аҳолисининг соғлиғини муҳофазалаш, генефондини мустаҳкамлашда донорлик тизимини барқарорлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мамлакатнинг донорлик салоҳияти, қон захираси аҳоли саломатлигини ҳимоялашда муҳим бўғин ҳисобланади.

У ҳар қандай ҳолатларда ҳам фақат ўша юрт аҳолисининг эҳтиёжи учунгина ишлатилади. Ҳаттоки табиий офат юз берган ҳудудларга ҳам четдан донорлик ёрдами киритилмайди. Қон захираси дахлсиздир. Қоннинг қиймати дунёда ҳеч бир нарса билан тенглаштирилмайди, у давлатнинг, халқнинг хазинасидир.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳаёти, айнан, холисона, бадалсиз қон топширувчи донорлар ҳиммати эвазига сақлаб қолинаяпти. Лекин дунё халқларининг хавфсиз қонга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланмаяпти.

2005 йилнинг май ойида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Ассамблеясида «Кўнгилли қон донорлигига содиқлик ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» баёнот қабул қилинди. WHA-5813 резолюциясига кўра, 14 июнь — Бутунжаҳон «Халқаро донорлик куни» деб эълон қилинди. Ва у Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг халқаро Федерацияси, Қон қуйиш бўйича халқаро жамият, Қон донорлари ташкилотлари халқаро федерацияси томонидан мувофиқлаштирилди.

Бу резолюция Ўзбекистонда ҳам қўллаб-қувватланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли қарорининг 56-бандида Республикамизда холис донорликни тарғибот-ташвиқот қилишга масъул ташкилот ҳамда жамғармалар алоҳида қайд қилинган.

Мамлакатимизда жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамда аҳоли орасида донорлик хизматини такомиллаштириш мақсадида, 14 июндан 14 июлгача «Халқаро донорлик ойлиги» деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси республикамиз аҳолиси орасида донорлик тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар, оналик ва болаликни муҳофазалашда қон хизматининг ролини оширишга алоҳида аҳамият бермоқда. Қўмита республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти, «Қон инсонлар хизматида» нодавлат жамоат фонди «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасини амалга оширишда фаол иштирок этаяпти.

Ҳозирги кунда республикамизда 21 та қон қуйиш станцияси, 239 та қон қуйиш бўлими мавжуд бўлиб, 469 нафар малакали врач, 1110 нафар тиббий ҳамшира фаолият юритяпти.

Илмий тадқиқотлар сўнгги 10 йил давомида дунё тиббий муассасаларида қон ва қоннинг таркибий қисмига бўлган талаб ортиб бораётганини кўрсатди. Бу ер юзи аҳолиси орасида қон тизимининг хавфли ўсма хасталиклари, қон ивишининг наслий бузилиши, қон саратони, камқонликка чалинган беморларнинг сони ортиб бораётганидан дарак беряпти.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг қон хизматига бўлган минимал эҳтиёжи йилига 230 тоннани ташкил этади. Бугунги кунда бу эҳтиёж 32 фоизга бажариляпти, холос.

Беморларнинг, бахтсиз ҳодисага йўлиққан инсоннинг, ҳомиладор аёлнинг туғиш жараёнида ҳаётини сақлаб қолишда қон хизматининг на-



қадар муҳимлигини яхши биламиз. «Халқаро донорлик ойлиги» давомида республикамизнинг вилоят, туман, ўқув юртлари йигит-қизлари орасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар маълум даражада ўз самарасини кўрсатди. Натижада республикамизда холис қон топширувчи донорлар 22 минг 500 нафарга етди ҳамда қон захираси 8246,5 литрни ташкил этди. Шу ўринда оқибатли одамларнинг биродарларча ёрдами туфайли 11080 нафар бемор ҳаётга қайтганини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш орқали биз эртанги ворисларимиз, шажараларимиз боқийлигини таъминлаймиз. Шуни таъкидлаш лозимки, донорлик тизимини ривожлантириш фақат мутасадди ташкилот, тиббиёт ходимларининггина вазифаси бўлмай, балки ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчига айланмоғи зарур.

Ўтказилган ойлик натижалари шуни кўрсатяптики, ҳали бу борада аҳолининг тиббий савиясини ошириш керак. Оддий мисол, холис қон топширувчиларнинг асосий қисми (уч нафар аёлга битта эркак тўғри келди) хотин-қизлардир. Кези келганда донорликнинг инсон саломатлигига ижобий таъсирини таъкидламоқчимиз. Маълумки, инсон организмида 4,55 литр қон бўлса, донорлардан 200-400 мл. қон олинади (физиологик доза) ва 20 мл. қон текшириш учун олинади. Одам организми табиатан «янгиланиш»га интилувчан, яъни донорнинг организми 36 соат ичида «янги қон» билан ўзини таъминлайди. Холбуки, инсон организмида қоннинг янгиланиб туриши, организмда қон босимининг ошиши, юрак-қон тизими фаолиятининг фаоллашувига, қон саратони ва бошқа хасталикларнинг олдини олади.

Республика Хотин-қизлар қўмитасида «Халқаро донорлик ойлиги» якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**Шуҳрат ОЧИЛОВ, «Қон инсонлар хизматида» нодавлат жамоат фонди раиси:**

— Дунё тажрибасида донорлик тизими ривожланиб боряпти. Ривожланган давлатларда, масалан, Италияда мактабни битирувчи ёшлар қон топширади. Олий ўқув юртига киришда «донор» ёшларга имтиёзлар белгиланган. Финляндияда қон босими бор 100 нафар бемор ва 100 нафар соғлом одам орасида тадқиқот ўтказилганда шу нарса аниқландики, икки йилда соғлом одамларнинг 90 фоизи умуман касалликка чалинмаган, беморларнинг 80-90 фоизи эса қон топшириб, соғлиқларини тиклаб олишган.

Донорликнинг хосиятини аждодларимиз яхши билишган. Дарҳақиқат, Ибн Сино кўплаб касалликларни зулук солдириш, «қон олдириш» орқали даволаган.

Ўзаро беғараз ёрдам, биродарлик, меҳр-шафқат, оқибат, ўзганинг дардига шерик бўлишдай инсоний туйғулар қадимий қадриятларимиздир.

Биз, шундай халқмиз, холислик қонимизда бор.

**Манзура ТЎЙЧИЕВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси оналик ва болаликни муҳофазалаш бўлими етакчи мутахассиси**
**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

XORIJDA

## ХИТОЙ

Хитой маъмурлари вояга етмаган фуқароларнинг интернет-кафеларда бўлиш вақтини чеклашга қарор қилишди. Чекловлар жорий йилнинг июль ойи ўрталаридан кучга киради.

Бу чекловларни бузган интернет-кафелар 15 кунга қадар ёпиб қўйилади, ашаддий қоидабузарлар эса лицензияларидан маҳрум этилади.

Хитой интернетдан фойдаланувчилар сони жиҳатидан жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди ва у ўз фуқароларининг тармоқдаги фаолиятини тартибга солишга уриниб келмоқда. Мактаб ўқувчиларининг компьютер ўйинларига ҳаддан зиёд берилиб кетаётганлиги боис интернет-кафелар иш фаолиятига оид янги қоидаларни жорий этишга тўғри келган.

## ФРАНЦИЯ

«Le Figaro» журнали француз ишбилармонлари, сиёсатчилари ва лингвистлари ўртасида ўтказган сўровноманинг кўрсатишича, уларнинг кўпчилиги «сизлаб» мурожаат этишни эскирган деб ҳисоблаётир.

Сўралганларнинг кўпчилиги исталган суҳбатдошга «сенлаб» мурожаат қилишнинг инглизча услуби жорий этилиши тарафдори экан. Тижоратда бу масалан, бошқарув таркибини яратиб, жамоада муҳит яхшиланишига ва компанияда ишловчи ҳар бир кишининг бошқа ходимлар билан ўзини тенг деб ҳис этишига имкон яратади.

Социологлар нуқтаи назаридан, «сенсираш» янада ошкора суҳбатга, мулоқотда жўнликка кўмаклашади. Лекин барча французлар ҳам бундай фикрга қўшилмайди. Франция президенти Жак Ширак ҳаттоки ўз хотини ва дўстларига ҳам «сизлаб» мурожаат этишни маъқул кўради.

## ЯҚИН ШАРҚ



Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари жангариларнинг Ғазо минтақаси шимолидаги манзилига навбатдаги зарбани берган. Армия матбуот хизматининг хабарига кўра, муқаддам қўшинларни ўққа тутган тўртта қуролланган кишига қарата ракеталар учирилган. Фаластинликлар маълум қилишларича, бир киши ўлган, уч киши жароҳатланган.

Мутахассисларнинг ҳисоблашича, Исроил армиясининг «Ёзги ёмғирлар» амалиёти тўрт йўналишда ўтказилмоқда. Армия Ғазо минтақасининг шимолидан Исроил ҳудудига қарата «хамас»чилар томонидан учирилаётган «Қассам» қўлбола ракеталари билан курашмоқда. Авиация ва артиллерия зарбалари фаластинликларга умумий босим кўрсатаяпти. Минтақа марказига берилаётган зарбалар «Хамас» ҳаракати тузган ҳукуматнинг қулашига олиб келиши лозим. Жанубда эса армия бир неча кун аввал ўғирлаб кетилган капрал Гиад Шалитнинг турган жойи ҳақидаги маълумотни қўлга киритишга ва у учинчи мамлакатга олиб чиқиб кетилишига йўл қўймасликка уринмоқда.

● Истеъдод қирраси

# ВАТАН КЕНГЛИКЛАРИНИ КУЙЛАЁТГАН ҚИЗ



Гулшода Қурбонова адабиёт остонасига қадам қўяётган ёш ижодкорлардан. У 1983 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилган. Тошкент Давлат аграр университети сиртқи бўлим IV курс талабаси. Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилади.

Гулшода шеърият олами остонасида ўз йўлини излаётган истеъдодли, қатъиятли қиз. Ёш шоиранинг шеърларида ватанпарварлик, юрт ва миллатни севиш ҳисси уфуриб туради. Бугун Гулшода каби шеъриятимизнинг ёш ниҳоллари сиймосида Ватан кенгликларини, унинг муқаддас тупроғини юрт оша куйловчи чинакам оловқалб авлод улғайиб келаётгани нақадар қувончли. Улар эртага кўнгил тубидаги орзуларини, айтмоқчи бўлган сўзларини ижодий камолот орқали халқимизга армуғон этишига ишонамиз.

**Маънавият ва маърифат бўлими**

### ЎЗБЕКЛАРДАН ЎРГАНИНГ

*Ўзбекистон тупроғи мармарлардан яралган,*
*Сутдек ойдин тунлари қамарлардан яралган,*
*Пахтазор майдонлари, ғаллазор хирмонлари,*
*Беқиёс имконлари самарлардан яралган.*
*Манглайида маржон дур, тер эмасдир кўрганинг,*
*Ерни тавоф этишни ўзбеклардан ўрганинг.*

*Саҳрога жон бахш этган Фарҳодлари бор юртнинг,*
*Гўзалликни нақш этган Зуҳролари бор юртнинг,*
*Илму фан чўққисидан юлдузга нарвон қўйган,*
*Беруний, Улуғбекдек даҳолари бор юртнинг.*
*Қандай завқли фалакка боқиб ўйлар сурганинг,*
*Юлдузлар кашф этишни ўзбеклардан ўрганинг.*

*Маҳаллалар кўркидир нуроний отахонлар,*
*Хонадонлар файзидир муниса онахонлар,*
*Шулар сақлаб юришар юртимизнинг шаънини,*
*Қадр топиб қарилик, омон юрсин ҳар жонлар,*
*Муборак бўлсин юртдош, ҳимматга юз бурганинг,*
*Дилни обод этишни ўзбеклардан ўрганинг.*

*Меҳмонгадир уй тўри, мулозамат жон қадар,*
*Сағирларга қалб қўри, ичса ҳам ёвғон қадар,*
*Отага тик боқмагай, ўпар она пойини,*
*Ўзи емай бировга нон тутар имкон қадар,*
*Олам аҳли унутмас адолатда турганин,*
*Ҳақ йўлни тутишни ўзбеклардан ўрганинг.*

### ТУМОР АЙЛАЙ ЯПРОҒИНГНИ

*Ватан недур?*
*— Кўнглим менинг,*
*Онам менинг мунглим менинг,*
*Мушфиққина синглим менинг,*
*Дил қаърида нурсан, Ватан,*
*Қуёш каби ҳурсан, Ватан.*
*Дилимдаги торим бўлдинг,*
*Тоғим бўлдинг, орим бўлдинг,*
*Инжу-ганжим, борим бўлдинг,*
*Жаҳолатга берксан, Ватан,*
*Менинг учун эрксан, Ватан.*
*Осмонларинг ойдин-ойдин,*
*Тупроқларинг аъло зардин,*
*Бундай юртни топай қайдин?*
*Томирдаги қонсан, Ватан,*
*Вужуддаги жонсан, Ватан.*
*Булоқлардек меҳринг бордир,*
*Оппоқ тонгдек сеҳринг бордир,*
*Дилда ўчмас меҳринг бордир,*
*Менинг учун улуғ Ватан,*
*Бағри нурга тўлиғ Ватан.*

### ОГОҲ БЎЛ!

*Ўз ичингдан ётлар чиқса, ёмон экан,*
*Ўз уйингдан ўтлар чиқса, ёмон экан,*
*Болам, деган додлар чиқса, ёмон экан,*
*Наҳот бунинг барчасига берурсан дош?*
*Огоҳ бўлгил, уйғоқ бўлгил, эй ватандош!*

*Ўзбекистон онамиздир, дилда дардлар,*
*Отасига қўл кўтарар оқпадарлар,*
*Ўз тупроғин топтагайдир, ул номардлар*
*Тинчлигингга, ҳурлигингга отарлар тош,*
*Огоҳ бўлгил, уйғоқ бўлгил, эй ватандош!*

*Қурбонларнинг албат тутгай заволлари,*
*Сағир қолган болаларнинг уволлари,*
*Қиёматда бордир Тангри саволлари*
*Разилларнинг хиёнати бўлгайдир фош,*
*Огоҳ бўлиб, уйғоқ бўлгил, эй ватандош!*

*Чидайсанми нишон қилса, онанг кўксин?!*
*Тош қотмагил, тур ғафлатдан, юрак ўксин,*
*Охирати куйиб кетган қотил уқсин,*
*Ватангадо қай тупроққа қўясан бош,*
*Сен огоҳ бўл, сен ҳушёр бўл, эй ватандош!*

**Гулшода ҚУРБОНОВА**

● Баркамол авлод орзуси

Чуст тиббиёт коллежида ҳамширалик иши, акушерлик иши, ортопедик стоматология ва лаборатория диагностика йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўтган йилнинг июль ойида коллеж қошида шаҳар врачлик пункти ташкил этилди. Унинг таркибида терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, стоматолог, физиотерапия, клиник ва биохимик лабораториянинг кундузги стационар хоналари фаолият кўрсатмоқда. Натижада аҳолига, коллеж ходимлари ва ўқувчиларига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.

— Коллежимизда ўқув адабиётларини яратиш, тайёрлаш, нашр этиш бўйича ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда, — дейди **коллеж директори Раҳмонжон Абдуллаев**. — Жумладан, ўтган йиллар мобайнида ўқитувчиларимиз томонидан бир қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва маъруза матнлари яратилди. Таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, янги ва илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш мақсадида илмий-амалий конференциялар, семинар машғулотлари ҳамда очиқ дарслар ташкил этилган.

Дарҳақиқат, мазкур ишлар самараси ўлароқ, коллежда талабаларнинг ўзлаштириш даражаси янада яхшиланмоқда, улар билан индивидуал тарзда ишлаш, қўшимча машғулотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Рустам РУСТАМОВ**



**Суратда:** коллеж талабалари.


Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

## «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

*2006 йилнинг 10,17,24,31 август кунлари аукцион савдоларини ўтказади*

Савдоларга «Олой деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида жойлашган ўлчами 3,0х4,0=12 кв.м. бўлган 65-турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқи 4 000 000 сўм бошланғич нарх билан қайтадан қўйилади.

***Савдо ғолибига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:***

— аукцион савдолари ўтказилган куни савдо натижаси тўғрисидаги якуний баённомани 10 (ўн) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзолаш;

— турғун савдо дўконини қуришни ўз ҳисобидан, ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;

— бозор маъмурияти билан тузилган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш.

Савдоларда юридик ҳамда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 5 % миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210008042431510001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган вақтдан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси 16-«А» уйда ўтказилади.

Қўшимча маълумот учун телефон: 133-02-49.

**Гувоҳнома № 000815**


# 9 ИЮЛЬ. БЕРЛИН. ФИНАЛ!

Бугун-эрта жаҳон чемпионатининг якунловчи учрашувлари бўлади.



Бундан бир ой илгари жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўпланган 32 жамоа ўн саккизинчи футбол байрамида иштирок этиш учун Германияга ташриф буюрган эди. Бугунги кунда ана шу жамоалардан фақат тўрттаси фахрли ўринларга даъвогар бўлиб турибди. Мухлислар янги асрнинг иккинчи жаҳон чемпиони қайси жамоа бўларкан, деган саволга жавоб излашмоқда. Биринчи чемпионлик эса бразилиялик футболчиларга насиб этганди.

Бугун Германия — Португалия терма жамоалари ўртасида 3-ўрин учун учрашув бўлади. Эртага эса Италия — Франция футболчилари чемпионлик учун майдонга тушадилар. Ана шу тўрт жамоа бош мураббийларининг фикрларига эътибор беринг. Итальянлар устози Марчелло Липпи: «Ярим финалда ютқазиб, финалга чиқа олмаганимизда адолатдан бўлмасди. Чунки, биз бошқалардан кўра яхшироқ ўйин кўрсатдик. Мезбонлар билан учрашувда жамоамизнинг нималарга қодирлиги маълум бўлди. Италия халқи бундай жамоа билан фахрланса арзийди», деган фикрни баён этган бўлса, майдон эгалари бош мураббийи Юрген Клинсманн эса «Оғзимиз ошга етганда йиқилиб, ҳафсаламиз пир бўлди. Айниқса, учрашув тугаши олдидан иккита гол ўтказиб юборилиши жуда ачинарлидир. Лекин биз ёмон ўйнамадик. Итальянларнинг омади бор экан. Эндиги ниятимиз 3-ўринни эгаллаш», деган мулоҳазаларни билдирди.

Маълумки, Луис Фелипе Сколари 2002 йилги жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоасини ғалабага етаклаган мураббийдир. Бу гал у Португалия футболчиларига устозлик қилди. Улар финалга чиқишларига бир баҳя қолганди. Уругвайлик ҳакам Жорже Ларрионда белгилаган 11 метрлик жарима тўпи (33-дақиқа) французларга ғалаба келтирди. «Французлар билан бўлган ўйинда қўлимиздан келганини қилдик, дейди Сколари. Начора, Португалиядек кичик мамлакат учун жаҳон чемпионати финалини кўзлаш осонмас. Эндиги ниятимиз Германияни енгиб, учинчи ўринни эгаллашдан иборат». Раймон Доменек ҳам устоз сифатида шогирдлари ютуғидан мамнун: «Курашни охиригача етказамиз. Эришилган натижа чакки эмас. Кўпчилик французларни узоққа боролмайди, деган фикрда эди. Лекин йигитларимиз ўйиндан-ўйинга ҳамжиҳатликни ўрнига қўйишди. Ўйлайманки, сўнгги ўйиндан кейин ҳам Зенидиннинг кайфияти чоғ бўлади».

Шундай қилиб, бугун «А» гуруҳидан чиққан Германия жамоаси билан «Д» гуруҳи ғолиби бўлган Португалия футболчилари ўртасида учинчи ўрин учун қизғин баҳс бўлади. Эртага эса миллионлаб футбол ишқибозлари яна бир ажойиб футбол спектаклини кўрадилар. «Е» гуруҳидан чиққан Италия футболчилари финалда ғалаба қозониб, тўртинчи марта жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилишаётган бўлса, «G» гуруҳи вакили французлар эса «тайёр ош»ни бировга бериб қўймоқчи эмас. Демак, эртага финал!

**Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**




### «ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси Юнусобод тумани ҳокимлиги мажлислар залида 2006 йил 27 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

*Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.*

**Кун тартиби:**

*1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Олой деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамиятига қурилиш ва ободонлаштириш ишларига йўналтирилган маблағларни қайтариш ҳақида.*

*Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2006 йил 5 июль ҳолатига биноан тузилган.*

*Мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 2006 йил 20 июлдан танишиш мумкин.*

**Акциядорларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 40-уй.**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги бакалавр таълим йўналишлари бўйича

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

***Кундузги бўлим:***

1. География ва иқтисодий билим асослари;
2. Педагогика ва психология;
3. Касб таълими:
   — транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш;
   — енгил саноат маҳсулотлари технологияси;
   — материалшунослик ва янги материаллар технологияси;
   — иссиқлик энергетикаси;
4. Мусиқий таълим;
5. Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари;
6. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш;
7. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият;
8. Меҳнат таълими.

Филология:

9. Ўзбек тили;
10. Инглиз тили;
11. Немис тили;
12. Француз тили;
13. Рус тили;
14. Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича);
15. Биология;
16. Физика;
17. Астрономия;
18. Кимё;
19. География;
20. Математика;
21. Амалий математика ва информатика;
22. Агрокимё ва агротупроқшунослик;
23. Ижтимоий-маданий фаолият.

***МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ:***

1. Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш);
2. Касб таълими (енгил саноат маҳсулотлари технологияси);
3. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иши;
4. Мусиқий таълим;
5. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият.

***Барча йўналишларда ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. Шунингдек, кундузги бўлимнинг касб таълими (иссиқлик энергетикаси), инглиз тили, рус тили ва математика таълим йўналишлари бўйича ўқиш рус тилида ҳам олиб борилади.***

**Аризалар 2006 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.**

***Тест синовлари 1 август куни бўлиб ўтади.***

**Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Ректор номига ариза.
2. Ўрта ёки ўрта махсус маълумот олганлиги тўғрисидаги ҳужжат (аттестат, диплом)нинг асл нусхаси.
3. 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
4. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.
5. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
6. Паспорт нусхаси.

***Ўқишга кирувчилар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатни кўрсатиши шарт.***

***Манзил: Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел: 221-12-89, факс: 221-13-12.***

**Университет қабул комиссияси.**



**BOSH MUHARRIR:**

**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**

**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-10-13
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Ekologiya va salomatlik** 133-44-55
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Shohaydar MIRHABIBOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 952

*7235 nusxada bosildi*

*t — Тижорат материали*

O`zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 22.30
1 2 3 4 5

**Sotuvda erkin narxda**